

# Ўзбекистон учун мамлакат тизимли диагностикаси



Жаҳон банки гуруҳи мамлакат билан ҳамкорлик қилишнинг янги ёндошувини ишлаб чиқди. Унга кўра мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олувчи ўзаро ҳамкорлик модели таркибий тузилиши бўйича янада тартибга солинган, тўпланган тажрибани ҳисобга олувчи селектив моделга айлантирилиб, у ўта қашшоқликка чек қўйиш умумий фаровонликни барқарор равишда оширишга қаратилган. Мазкур ёндошув Мамлакат билан ҳамкорлик стратегиясининг ўрнини босувчи ҳужжат ҳисобланмиш Мамлакат билан ҳамкорлик концепциясига (МХК) асосланган. МХК стратегиялар якун топишига қараб аста-секин унинг ўрнини босиб боради. МХК эмперик таҳлилий базага асосланган. Бундай ёндошув ЖБ Гуруҳи дастурларига мамлакат ўзаро боғлиқ бўлган икки мақсадга эришишига энг кўп ёрдам берувчи жабҳаларга мақсадли таъсир кўрсатиш имконини беради. У ЖБ Гуруҳи самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу натижаларни кўзлаган ҳолда иш юритиш ҳамда мамлакатлар тараққиёт борасида сезиларли натижаларга эришишлари йўлида ЖБ Гуруҳининг барча институтлари сайъ-ҳаракатларини мужассамлашга қаратилган.

Жаҳон банки Гуруҳи ҳозирги кунда Ўзбекистонда **2016-2020 молиявий йиллар учун Мамлакат билан ҳамкорлик концепциясини** тайёрлаш устида иш олиб бормоқда. Мазкур Концепция ЖБ Гуруҳининг Ўзбекистондаги ҳамкорлик фаолиятининг ўрта муддатли истиқболдаги стратегик йўналишларини белгилаб беради. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон учун Мамлакат тизимли диагностикаси (МТД)га асосланган бўлади.

Мамлакат тизимли диагностикаси – замонавий ва ишончли материалларга асосланган баҳолашдир. Мазкур баҳолашда мамлакат ўта қашшоқликни батамом бартараф этиш ҳамда умумий фаровонликка экологик, ижтимоий ва молиявий жиҳатдан барқарор йўсинда эришиш мақсадида олиб борилаётган жараёнларни жадаллаштиришда ҳисобга олиши шарт бўлган чекловлар ва фойдаланиши керак бўлган имкониятлар баҳоланади. МТДни тайёрлашда барча мавжуд маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади ва керак бўлганда янги таҳлилий материаллардан фойдаланилади. Диагностика яқинда ЖБ Гуруҳи томонидан олиб борилган таҳлилий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланади ва ташқи манбаълар маълумотларини ҳам ишлатади. Бундай манбаъларга бошқа донорлар ва ҳамкор ташкилотлар тадқиқотлари, маҳаллий тадқиқот ташкилотлари ва ҳукумат томонидан олиб борилган тадқиқотлар киради. МТД доирасидаги таҳлилий фаолят ЖБ Гуруҳи бугунги кунда фаол портфелга эга бўлган тармоқлар ва жабҳалар билангина чекланиб қолмайди. У асосий эътиборни узвий боғлиқ бўлган икки мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларга қаратади. МТД доирасидаги таҳлилий ишлар қамрови чекланмаган бўлганлиги сабабли мазкур диагностика ЖБ Гуруҳи ва мамлакат ўртасида очиқ ва истиқболга қаратилган ва биринчи навбатда, ЖБ Гуруҳи портфели учун эмас, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастури учун зарур бўлган масалаларга эътибор берувчи мулоқот шаклланишига ёрдам беради.

Ўзбекистон учун МТДнинг диққат марказидан ЯИМнинг юқори ўсиш суръатларини туширмасдан давом эттириш, иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиёт, экология ва ижтимоий таъминот жабҳаларидаги натижаларнинг барқарорлигини таъминлаш йўлида мамлакат олдид турган қийинчиликлар ўрин олган.

## Онлайн консультациялар

Мазкур онлайн консультациялардан кўзланган мақсад манфаатдор тарафларнинг ҳам мамлакат ичидаги ҳамда ҳориждаги янада кенгроқ гуруҳидан Ўзбекистон учун МТДнинг дастлабки хулосалари ва таҳлилий

масалалари бўйича фикр ва мулоҳазалар олишдан иборат. ЖБ Гуруҳи фуқаролик жамияти ташкилотлари, академик доиралар вакиллари, тадқиқот ташкилотлари, экспертлар ва бошқа манфаатдор тарафлар ўз фикрларини билдиришларини кутиб қолади. Бу бизга ҳужжатнинг яқиний, мамлакат учун ишончли ва фойдали диагностикага эга бўлган нусхасини тайёрлаш имконини беради. Билдирилган фикрлардан қашшоқликни қисқартириш ва мамлакат тараққиёт мақсадларига эришиш йўлидаги натижаларни ўлчовчи восита сифатида фойдаланилади.

#### **Онлайн консултациялар бошланиши – 2015 йил 3 август – 2015 йил 28 август.**

Марҳамат қилиб ўз фикр-мулоҳазаларингиз ёки саволларингизни инглиз, рус ёки ўзбек тилларида **2015 йил 28 августга қадар** қуйидаги электрон манзилга юборинг: [tashkent@worldbank.org](mailto:tashkent@worldbank.org)

#### **Ҳужжатлар ва маълумот манбаълари:**

- ✓ “Online Consultation for the Preparation of the Uzbekistan Systematic Country Diagnostic” (Power Point форматидаги тақдимот, инглиз тилида)
- ✓ “Онлайн консултации для подготовки Систематической диагностики страны по Узбекистану” (Power Point форматидаги тақдимот, рус тилида)
- ✓ “Ўзбекистонда мамлакат тизимли диагностикасини ўтказиш бўйича онлайн консултациялар” (Power Point форматидаги тақдимот, ўзбек тилида)

Агар консултациялар жараёнига тааллуқли саволларингиз бўлса, марҳамат қилиб, уларни қуйидаги электрон манзилга юборишингиз мумкин: [ekaraban@worldbank.org](mailto:ekaraban@worldbank.org)

Жаҳон банки Гуруҳининг мамлакатлар билан ҳамкорликка янги ёндошуви бўйича умумий маълумотлар билан ушбу манзилда танишишингиз мумкин (инглиз тилида): <http://consultations.worldbank.org/consultation/towards-country-partnership-framework>